

ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ АНЪАНАВИЙЛИК ВА ДУНЁВИЙЛИК ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ ЎЗАРО УЙҒУНЛИГИ

Абдумажидова Ҳамида

Самарқанд давлат тиббиёт университети (PhD) катта ўқитувчи

abdumajidovahamida@umail.uz

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигининг янги босқичлари, унинг халқимиз ва бошқа мамлакатлар ҳаётидаги ўрни ижтимоий фалсафий жиҳатдан статистик маълумотларга асосланган ҳолда илмий таҳлил қилинади. Бундан ташқари мақолада Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари орқали мамлакат ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиётини ривожлантириш бўйича илмий хулоса ва таклифлар берилади.

Калит сўзлар: инвестиция, тадбиркорлик, ислохот, ҳаракатлар стратегияси, ижтимоий, иқтисодий, халқаро алоқалар, шарқ, ислом фалсафаси

THE ROLE OF ACTION STRATEGY OF UZBEKISTAN IN COOPERATION WITH THE WORLD COMMUNITY

Annotation: This article provides a scientific analysis of the new stages of cooperation of today's Uzbekistan with the world community, its role in the life of our people and other countries on the basis of socio-philosophical statistics. In addition, the article provides scientific conclusions and recommendations for the development of social, economic and cultural development of Uzbekistan through international relations.

Keywords: investment, entrepreneurship, reform, action strategy, social, economic, international relations, oriental, Islamic philosophy

РОЛЬ СТРАТЕГИИ ДЕЙСТВИЙ В СОТРУДНИЧЕСТВЕ С МИРОВЫМ СООБЩЕСТВОМ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация: в данной статье научно анализируется новая стадия сотрудничества Узбекистана с мировым сообществом, её место в жизни нашего народа и жизни других стран на основе статистических данных социальным философским аспекте. А также даётся научные выводы и предложения по развитию социально - экономического и культурного развития страны через международные связи Узбекистана.

Ключевые слова: Инвестиция, бизнес, реформа, стратегия действия, социальные, экономические и международные отношения, Восток, философия ислама.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ижтимоий, иқтисодий маданий соҳалари билан бир қаторда халқаро сиёсатида ҳам жуда муҳим ўзгаришлар рўй бериб янги босқичга қадам қўйди. Мамлакатимиздаги бу янги босқич албатта Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида қабул қилинган ҳамда изчил амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси дастуридаги берган тараққиёт мезонларидир.

Бундан ташқари мамлакатимиз илк бор халқаро кредит рейтингини олиб, жаҳон молия бозорида 1 миллиард долларлик облигацияларини муваффақиятли жойлаштиргани, иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг кредитга доир таваккалчилик рейтинги охириги 10 йилда биринчи марта яхшиланиб, энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларда чуқур таркибий ислохотлар бошлангани, саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилиб, натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этгани, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми эса 6,6 фоизга, экспорт - 28 фоизга кўпайгани, олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етгани ҳақидаги Президентимизнинг фикрлари халқимизнинг турмуш даражаси сезиларли кўтарилганини ва Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни янги босқичга чиққанини кўрсатади.

Шу боис қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқонларнинг манфаатдорлигини ошириш борасидаги ўрганиш ва изланишлар давом этаётганлиги ва соҳага илғор технологиялар ва кластер тизими жорий этилганлиги, тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратишга барча имкониятларимиз сафарбар этилгани алоҳида таъкидланиб, “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредитлар ажратилгани, янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақиға солиқ юки 1,5 баробар камайтирилгани, натижада расмий секторда ишлаётганлар сони йил давомида 500 мингга кўпайгани, кўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилиб, бунинг ҳисобидан ўтган йили солиқ тўловчилар ихтиёрида 2 триллион сўм фойдага эришилгани, жорий йилда эса бу рақам 11 триллион сўмни ташкил этиши Ўзбекистоннинг кредит сиёсатини янги босқичга олиб чиққанини кўрсатиб туради. Бу эса ўз навбатида бир йилда тадбиркорлар ихтиёрида кўшимча маблағ қолиши ва албатта, уларга ўз бизнесларини ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар яратилганини англатади.

2017 йилдан Ўзбекистон тарихида ўзига хос янгиланишлар билан бошланиб, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” сифатида давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун, халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду-ташвишлари, ҳаётий муаммоларини самарали ҳал этиш мақсадида янги тизим яратилган йил бўлди. Буни Президент

Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида шундай таъкидлайди: “Бу тизимнинг асоси бўлган Ўзбекистон Президентининг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонаси фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда” [2]. Фикримизнинг исботини мамлакатимизнинг бир қатор олимлари таъкидларидан ҳам билишимиз мумкин. “Мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой қудратли бўлади” деган ғояларини ўртага ташлади. Бу ғоялар мамлакатимиз Конституциясининг 7-моддасида белгилаб қўйилган “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан - бир манбаидир”[3, Б.5], деган ғояга ҳар томонлама мос бўлиб, унинг мантиқий ривож, амалий натижасини ифода этади [4, Б.123].

Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатимиз раҳбарининг юқорида зикр этилган ғоялари ҳам мантиқий жиҳатдан тўлиқ конституциявий мазмун ва моҳиятига эга бўлиб, улар Ўзбекистонда барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти мазмунини янада аниқлаштириб, бизнинг давлатимизни биринчи ўринда турадиган қадрияти адолат, ҳуқуқ, демократия ва халқ манфаатидир. Чунки халқнинг хоҳиш-иродаси ҳуқуқ ва қонунларини белгилайди, халқнинг эркин, тинч, озод ва фаровон яшаши, шу ғояларни ҳимоя қилиб, мустаҳкамлаб, ўзаро тинчлик асосида олдинга интилишига асос бўлади ва Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши учун кенг йўл очади.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда мамлакатимизда жаҳон стандартларига мос мазмунан янги давлат, янги жамият таркиб топаётган экан, унга хос янги қадрият ва муносабатлар тизими шаклланиши ҳам табиийдир. Ҳозирги вақтда қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорлар ана шу улкан ўзгаришларга янги туртки ва йўналиш бермоқда.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси 2020 йил 24 январь. (Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis January 24, 2020)
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси “Халқ сўзи” газетаси 2017 йил 23-декабрь. № 258 (Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis of the newspaper "People's Word" December 23, 2017. № 258)
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. /Ўзбекистон-2019. 5 – бет (The Constitution of the Republic of Uzbekistan. Tashkent. / Uzbekistan-2019)
4. Ғоффоров Ш.Б. Амирдинов Ж.А. Ҳаракатлар стратегиясида ёшлар масаласи. “Ёшларни ғоявий-мафкуравий тарбиялашнинг долзарб масалалари. Талабалар онгида китобхонлик маданиятини шакллантириш” мавзусидаги ёш олимлар, катта илмий-изланувчилар, мустақил тадқиқотчилар, магистрантлар

ва иқтидорли талабаларнинг анъанавий Республика илмий-назарий конференцияси материаллари (2019 йил, 20 апрель). Б. - 2019 (Gofforov Sh.S. Amirdinov J.A. The issue of youth in action strategy. "Current issues of ideological education of youth. Proceedings of the traditional Republican scientific-theoretical conference of young scientists, senior researchers, independent researchers, masters and gifted students on "Formation of a culture of reading in the minds of students" (April 20, 2019). S.– 2019).

5.Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши “2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари” тўғрисида. 2017 йил 15 август (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures for further implementation of the Action Strategy for the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021." August 15, 2017)

6.Халқ сўзи газетаси 2017 йил 11 сентябрь, №181(6875) (People's speech newspaper September 11, 2017, №181 (6875))

7.Ориф Аюпов, Дунё сиёсат жамият. Қайта тўлдирилган 8-нашр, Гулистон-2018 - 22-бет. (Orif Ayupov, World Politics Society. Revised 8th edition, Gulistan-2018 - p.22)

8.Халқ сўзи 2017 йил 11ноябрь, №228 (6922) (People's speech November 11, 2017, №228 (6922))

9.Самарқанд газетаси №93-94 (2242) 2018 йил 24 ноябрь (Samarqand newspaper №93-94 (2242) November 24, 2018)

10. A.Makhmudova Guarantee of legal basic of supporting human rights in new level of Uzbekistan’s development . International Journal of Advanced Science and Technology Vol.29 .No.5, (2020), pp.1761-1770